

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича

ШАРТНОМА № 36

ЛОТ№ 22110012139271

2022 йил 8 сентябр

Жиззах шаҳри

Ўзбекистон Республикаси “ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув таъминоти ва оқова сув объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” УК Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталиб ҳамда 2022 йил 5 январдаги № 4-сонли ишончномага асосан иш юритувчи номидан бошқарма бошлиғи **М.Каратаев**, бир томондан ва «KOMFORT LIDER CAPITAL» МЧЖ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **Б.Содиқов** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ "Зарбдор тумани "Равот" МФЙда янги қурилаётган қуп қаватли уй-жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш" объекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйиладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: **30** фоиз аванс маблағи утказилгандан кейин;

Ишни яқунлаш: **20** иш куни.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати ҚҚС билан **63 000 000 (олтмиш уч миллион)** сўмни ташкил этади. Мазкур маблағлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан “Манзилли дастур” тасдиқланганидан сўнг молиялаштириб берилади.

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ишлар қиймати “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКнинг хулосасига кўра, лойиҳа қидирув ишларида белгиланганидан камайганида тўланадиган маблағ тегишлича Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли буйруғига асосан Лойиҳага ҳақ тўлаш мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш буюртмачи тарафидан ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи тарафидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар тарафидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

2.6 АРТ, Давлат хизматлари, ЗВОС лойиҳаси, қидирув ишлари ва геология, РСВ, гидрогеология хулосаси, ДАҚН ҳисоботи, муаллифлик назорати, давлат ва экологик экспертиза хулосалари учун тўловлар “Ижрочи” тарафидан амалга оширилади.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. "Зарбдор тумани "Равот" МФЙда янги курилаётган куп қаватли уй-жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини куриш" объекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириққа ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Тарафлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг ижрочи тайёр лойиҳани ёки унинг қисмини буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат ижрочига юборилгандан сўнг икки тарафлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади;

3.3.3. Буюртмачи лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни ижрочига юбормаса, лойиҳа буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади;

3.3.4. Агар буюртмачи лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик лойиҳада бирламчи ҳужжатлардан ва шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни ижрочига тақдим қилади;

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини ижрочига тўлаб беради;

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик;

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун ижрочини жалб этиш;

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан тарафлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг);

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс тарафидан буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун буюртмачи тарафидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши;

4.2.2. Буюртмачи тарафидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириши, буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиши, буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган ижрочи келгусида буюртмачи тарафидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак;

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш;

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр лойиҳани буюртмачига топшириш;

4.2.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

4.2.6. Ўз ҳисобидан муаллифлик назоратини олиб бориш.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, ижрочидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- ижрочи лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиш;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- ижрочи лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий зарарлар қопланишини ижрочидан талаб қилиш;

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига кушимча иш ҳажмлари киритилган ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитектқурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилдаги 50-сонли буйруғи билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошисига асосан бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қуйилади.

4.4. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма руҳсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Тарафлар мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

5.2. Лойиҳа буюртмачи тарафидан қабул қилингандан кейин ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида лойиҳага кўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса.

5.4. Молия органи тарафидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Тарафлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаслик шarti билан, биринчи тараф иккинчи тарафни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф иккинчи тарафга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматининг 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир тарафнинг фаолияти ёки тарафлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошқора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Тарафлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошқора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

7. Шартномани ўзгартариш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-бандида кўрсатилганидек, шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан тарафларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Тарафлар ўртасидаги ёзма келишувга асосан шартнома ўзгартрилиши ёки муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим тузилган ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартариш ва қўшимчалар киритилган ҳамда тарафлар (ёки тарафлар номидан вакиллар) томонидан имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартрилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.5. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

8. Низоларни хал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда тарафлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, камаллар, кўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган тарафлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги тарафлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома Жиззах вилояти Ғазначилик бошқармасида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. Битта нусхаси буюртмачида, иккинчи нусхаси эса ижрочида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси
“ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув
таъминоти ва оқава сув объектларини
қуриш бўйича инжиниринг компанияси”
УК Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси
Жиззах ш. Кимёгар маҳалла Тўқимачилар
кўчаси 2 уй. Тел./факс 222-82-41,
шҒХ: 301121860084017063201110164
ИНН: 305978471 ОКЕД 42210
Жиззах вилоят Ғазначилик бошқармаси
ЯҒХ 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)
МФО: 00014 ИНН: 201122919



М. Каратаев
(ИМЗО)

М. Каратаев
(ФИШ)

ИЖРОЧИ:

«KOMFORT LIDER CAPITAL» МЧЖ
Манзил: Жиззах шаҳар А.Навоий
кўчаси 2-уй
Тел: (98) 561-03-33 (91) 590-50-05
Х/р: 20208000900693326001
Банк: «Асака банк» Жиззах
вилоят филиали
МФО: 00140 ИНН: 304 443 846
ОКОНХ41100



Б.И.Содиқов
(ФИШ)

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида”ги Қонуни талаблари асосида тузилган. Хўжалик шартномаси шартлари, унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларни ҳал этиш тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мос келади.

Ҳуқуқий экспертиза натижасига қура қуйдагилар аниқланди:

1. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилган шартнома шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома бўйича юзага келган ҳар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

2. Шартнома бўйича тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида”ги Қонунининг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Бошқарма ҳуқуқшуноси

Д. Уралов

Д.Уралов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси” УК Жиззах
вилоят ҳудудий бошқармаси бош
муҳандиси**



**У.Сакиев
2022 йил**

**“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасида ўтказилган танлов
комиссияси аъзолари йиғилиш
БАЁНИ № 17**

2022 йил “ 8 ” сентябр

Жиззах шаҳри

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 1 апрелдаги
№3/1-сонли буйруғи билан тасдиқланган комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда,

ҚАТНАШДИЛАР:

- Ў.Сакиев - “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси” УК Жиззах вилоят ҳудудий
бошқармаси бош муҳандиси, комиссия раиси;
- Комиссия аъзолари:**
- А.Тангриев - Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси мутахассиси;
- Ж.Хатамов - “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ директори ўринбосари;
- Ш.Сайдахмедов - Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси мутахассиси;
- А.Абдукаримов - Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома
муносабатлари бўлими бошлиғи;
- Ё.Бўронов - Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳавий ва танлов
ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассис, комиссия
котиби.

Кун тартиби:

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси буюртмачилигида
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги
22-сон баёни билан тасдиқланган 2022 йил “Манзилли дастури”га киритилган
“Зарбдор тумани “Равот” МФЙда янги қурилаётган куп қаватли уй-
жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш” объекти лойиҳасини
ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган харид қилиш комиссиясининг танлов
баённомалари асосида тузиладиган шартноманинг Ўзбекистон
Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуни 62-моддаси
талабларига мувофиқ тузилишини таъминлаш.

2022 йил 5 сентябрда “etender.uzex.uz” электрон портали орқали ўтказилган “Зарбдор тумани “Равот” МФЙда янги қуриладиган қўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш” объектига лойиҳа ташкилотини танлаш бўйича харид қилиш комиссиясининг лот рақами 22110012139271 сонли, **63 000 000** (олмиш уч миллион) сўм билан “**KOMFORT LIDER KAPITAL**”МЧЖ ғолиб бўлганлиги тўғрисида танлов савдоси баённомаси расмийлаштирилган;

Комиссия котиби томонидан “Зарбдор тумани “Равот” МФЙда янги қуриладиган қўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш” объектига лойиҳа ташкилотини танлаш бўйича ўтказилган танлов савдоси юзасидан 2 иш қуни мобайнида комиссия аъзоларига ҳеч қандай шикоят қилиб тушмаганлиги тўғрисида ахбороти ўқиб эшиттирилди.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан ҳолда, танлов комиссияси

Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8-февралдаги 22-сон баёни билан тасдиқланган 2022 йил “Манзилли дастури”га киритилган “Зарбдор тумани “Равот” МФЙда янги қуриладиган қўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “etender.uzex.uz” электрон портали орқали аниқланган “**KOMFORT LIDER KAPITAL**”МЧЖ билан 3 иш қуни ичида шартнома тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Йиғилиш баёни тўғри тузилган деб имзо қўювчилар:

А.Тангриев

Ж.Хатамов

Ш.Сайдахмедов

А.Абдукаримов

Комиссия котиби:

Ё.Бўронов